

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАЎБАРЛАРИНИНГ МАСЛАХАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Хурматли учрашув қатнашчилари!

Аввало, сиз, муҳтарам дўстларимиз – Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари ва делегациялар аъзоларини чин қалбимдан қутлайман.

Ушбу Маслаҳат учрашувининг ўтказилиши манфаатларимизнинг ўзаро муштараклиги, минтақавий тараққиётнинг энг долзарб масалалари бўйича очик мулоқот ва биргаликда қарорлар қабул қилишга тайёр эканимизни яна бир бор яққол тасдиқлайди.

Биз ҳозиргина тор доирада ўтказган музокараларда ҳамкорлигимизнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини атрофлича муҳокама қилдик ва мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини янада мустақамлаш зарурлиги ҳақида яқдил фикрга келдик.

Маълумки, Марказий Осиё геостратегик жойлашувига қўра, минг йиллар давомида жаҳон миқёсидаги жараёнлар марказида бўлиб келган.

Бизнинг минтақамиз доимо ўзининг бой маданий-тарихий мероси билан Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлайдиган ноёб кўприк бўлиб хизмат қилган.

Ушбу кўприк заминда дунё цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк гуманист олимлар, мутафаккир ва шоирлар яшаб ижод қилган. Бу ерда улкан табиий захиралар, катта инсоний салохият мавжуд.

Бугунги кунда ҳам Марказий Осиёда дунёнинг рақобатдош қудратли давлатларининг манфаатлари ўзаро кесишиб келади. Бизга бевосита яқин бўлган ҳудудларда минтақавий ва халқаро ҳавфсизликка таъсир этадиган йирик беқарорлик ўчоқлари мавжуд.

Бизнинг олдимизда мураккаб саволлар турибди: Марказий Осиё қанчалик изчил ва барқарор ривожланади? Бизнинг мамлакатларимиз қандай янги ҳавф-хатар ва таҳдидларга дуч келиши мумкин? Биз, умумий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда, минтақавий ҳамкорлигимизни бундан кейин қандай олиб борамиз?

Бугун биз ана шундай муҳим ҳаётий саволларга биргаликда жавоб топишимиз керак.

Хурматли учрашув қатнашчилари!

Минтақанинг ҳар бир давлати Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва раванқини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Сиёсий ирода ва амалий қадамларимиз туфайли биз ҳамкорлигимиз янада юқори босқичга кўтарилмоқда.

Бизнинг ҳамжихатчилигимиз ва фаол сўз-ҳаракатларимиз кўп қиррали минтақавий ҳамкорлик учун янги имкониятларни очиб берди. Биз қисқа муддатда биргаликда реал тарзда олдинга силжишга эришдик.

Хусусан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда 2 баробар, қўша қорхоналар сони 4 марта ўсди.

Биз шерикларимиз билан биргаликда чегараларимизда ҳуқуқий расмийлаштириш ишларини яқунлаш арасида турибмиз. Олтинчи яқин ўттиш пунктларининг тўлақонли фаолиятини таъминлаб, визаларни бекор қилдик.

Ишбилармонлик ва ҳудудлараро алоқалар, транспорт қатновлари, маданий-гуманитар алмашувлар кенгайиб бормоқда. Ўтган йили Ўзбекистонда биринчи Марказий Осиё иқтисодий форуми ҳамда мамлакатларимизнинг Бош вазирлари ўринбосарлари даражасида Ишчи гуруҳнинг дастлабки учрашуви бўлиб ўтди.

Ун йиллик танаффусдан сўнг 2018 йилда Туркменистонда Оролни қўқариш халқаро жамғармасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатларимизнинг БМТ Хавфсизлик Кенгашида Афғонистон бўйича музокараларнинг олиб борилгани, Марказий Осиёда радиация хавфсизлигини таъминлаш, "Барқарор ривожланиш учун сув" ҳаракатларининг халқаро ўн йиллиги, Энергетик хартиянинг Ашхобод декларацияси қабул қилингани, Марказий Осиё бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюциялари ва шу каби бошқа кўплаб кенг эътироф этилган халқаро ташаббуслари яхши маълум.

Буларнинг барчасида барқарор бир тенденция – давлатларимизнинг мустақил роли ва умумий келажак учун масъулияти кучайиб бораётгани намоён бўлмоқда.

Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, Марказий Осиё давлатлари минтақавий ва глобал масалалар бўйича тобора кўпроқ умумий позициядан туриб фикр билдирмоқда.

Бизнинг минтақадаги ўзаро яқинлашувимиз ва ҳамкорлиқни кенгайтиришимиз – бу замон талаб қилаётган ва орқага қайтмайдиган жараён эканини таъкидламоқчиман. У қатъий сиёсий танловга асосланган бўлиб, чуқур тарихий омилларга эга ва кимнингдир манфаатларига қарши қаратилган эмас.

Бу борада, бирлик ва жиписликни мустақамлашган ҳолда, биз изчил ва барқарор ривожланиб бораётган минтақамизнинг, демакки, истиқболли ва ишончли халқаро шерикнинг шаклланишига ҳисса қўшмоқдамиз.

Натижада дунёда Марказий Осиёга эътибор изчил ортиб бормоқда, бизнинг биргаликда илгари сураётган ташаббусларимизни қўллаб-қувватлашга етакчи давлатлар ва халқаро молия тузилмаларининг қизиқиши тобора кучаймоқда.

Шу муносабат билан минтақа мамлакатларининг хорижий шериклар билан турли форматларда яқин ва тизимли мулоқотини ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ўзаро ҳамкорликни давом эттириш муҳим, деб ҳисоблайман.

Муҳтарам делегация раҳбарлари ва аъзолари! Кенгайиб бораётган минтақавий шерикликнинг устувор йўналишлари ҳақида гапирганда, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Биринчи. Савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларидаги вазифаларни амалга оширишга бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш муҳимдир. Булар бундан минтақанинг жадал тараққиёти ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг устувор вазифаларидир.

Бу борада Марказий Осиё инвестиция форуми ва мамлакатларимиз савдо-саноат палаталарининг илк йиғилишини ўтказиш, Транспорт-коммуникациялар бўйича минтақавий кенгаши ташкил этишни тезлаштиришни таклиф этамиз.

"Бир савҳат билан – бутун минтақа бўйлаб" тамойили асосида қўшма дастурларни илгари суриш учун Халқаро туризм конференциясини ташкил этишни таклиф этамиз.

Иккинчи. Бош вазир ўринбосарлари ва ташқи ишлар вазирларининг кўп томонлама учрашувларини мунтазам ташкил қилиш билан бирга Марказий Осиё мамлакатлари Парламентлараро дўстлик гуруҳини таъсис этишни таклиф қиламиз.

Учинчи. "Марказий Осиё – ягона ўтмиш, умумий келажак" шиори остида маданий-гуманитар алмашув платформасининг яратилиши барча халқларимиз манфаатларига жавоб беради, деб ўйлайман.

Сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз билан илм-фан, маданият ва санъат соҳаларида зришган салмоқли ютуқлари учун Марказий Осиё муқофотини таъсис этиш, шунингдек, университетлар форумлари ва минтақавий спорт ўйинларини ташкил этиш таклиф қилинмоқда.

Ҳар йили Наврўз байрами арафасида навбати билан ҳар бир мамлакатда Марказий Осиё маданият кунларини ўтказишни муҳим, деб ҳисоблаймиз. Буларнинг барчаси қардош халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Тўртинчи. Минтақанинг мураккаб сув ва экологик муаммоларини ҳал қилиш ва ечиш ўзаро мувофиқлаштирилган ёндашувларни талаб қилади.

Инновацион технологияларни жалб қилиш, "яшил иқтисодиёт" тамойилларини татбиқ этиш, қўллашнининг салбий оқибатларини бартараф қилиш ва бошқа комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш мақсадида БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун Траст фонди имкониятларини самарали ишга солиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Сув ресурсларидан биргаликда фойдаланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилишнинг барча учун мақбул ечимини излашни давом эттириш лозим.

Бешинчи. Энг муҳим устувор вазифа – минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдан иборат.

Замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга кенг миқёсда қарши туриш учун мамлакатларимизнинг ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралари ва махсус хизматларининг оператив ҳамкорлик қилиши бўйича ишчи механизмларни яратиш тарафдоримиз.

Афғонистон бизнинг минтақамизнинг узвий бир қисmidир. Ушбу мамлакатга тинчлик ва тараққиёт йўлига қатъий қадам қўйиши учун ёрдам бериш барчамизнинг умумий манфаатларимизга тўлиқ мос келади.

Муаммони сиёсий йўл билан ҳал қилиш борасидаги асосий тамойилларга амал қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Авваламбор, бу – зўравонликдан воз кечиш, ўт очини тўхтатиш, мулоқот ва муроСага тайёрликни намоён этишдан иборат.

Бундан ташқари, Афғонистонда муҳим инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, ушбу мамлакатни минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларга фаол жалб этишга қаратилган мувофиқлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш ўта муҳимдир.

Хурматли дўстлар! Бугун шуни ишонч билан айтишим мумкинки, бизнинг мамлакатларимиз ўртасида деярли барча асосий йўналишлар бўйича кўп томонлама муносабатларнинг янги тизими барпо этилмоқда.

Ушбу ижобий ва шиддатли жараённинг негизида халқларимизнинг ўзаро интилиши ва манфаатларининг муштараклиги муҳимдир.

Ишончим комилки, бугун белгилаб олинган барча устувор вазифалар келгусида Марказий Осиёда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича бизнинг ягона қарашимизда ўз аксини топиши керак.

Биз ўзаро ҳамкорлигимизнинг асосий мақсад ва тамойилларини келишиб олишимиз, инсон, капитал, товар ва хизматларнинг ҳаракати, шунингдек, кенг қўламли маданий-гуманитар алмашувлар учун қўлай шароитлар яратиб беришимиз лозим. Умид қиламанки, бугун Тошкентда бўлиб ўтган Маслаҳат учрашуви муносабатларимизда янги саҳифа очиб, Марказий Осиёда дўстлик, яхши қўшничилик ва шерикликни мустақамлашнинг амалий механизмларини йўлга қўйиш ва шакллантиришга хизмат қилади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАЎБАРЛАРИНИНГ МАСЛАХАТ УЧРАШУВИ БЎЙИЧА БРИФИНГДАГИ БАЁНОТИ

Хурматли оммавий ахборот воситалари вакиллари!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, сизларни, бугун Тошкент шаҳрида ўтказилаётган тарихий анжумани – Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувини ёритиш мақсадида тўпланган оммавий ахборот воситалари вакилларини самимий қўллашдан мамнунман.

Ушбу форматдаги доимий мулоқотларни ўтказиш ташаббуси хурматли ҳамкасбларим – минтақа етакчиларининг фаол қўллаб-қувватлаши билан амалга ошмоқда.

Шу муносабат билан 1998 йили Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Марказий

Осиё давлатлари раҳбарлари саммитининг тарихий аҳамиятини ҳамда 2018 йилда Нур-Султон шаҳридаги Маслаҳат учрашувининг самарали натижаларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Бугунги самимий музокараларимиз ҳам анъанавий дўстлик ва ўзаро англашув руҳида ўтди.

Учрашувлар Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг минтақада ишонч ва яхши қўшничилик муҳитини янада мустақамлашга бўлган интилиши ва қатъий сиёсий иродасининг яққол ифодаси бўлди.

Биз ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалаларини атрофлича муҳокама қилдик. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар-

ни ҳар томонлама кенгайтириш йўлида бутунлай ҳамфикр эканимизни яна бир бор тасдиқладик.

Учрашув долзарб минтақавий ва халқаро масалалар бўйича бизнинг қараш ва ёндашувларимиз ўзаро жуда яқин эканини намоён этди.

Минтақанинг мавжуд улкан иқтисодий салохиятидан фойдаланган ҳолда, устувор соҳаларда мулоқот ва шерикликни ривожлантиришга келишиб олдик.

Биз давлатларимиз ўртасидаги савдо-тўсиқларини бартараф этиш, саноат кооперациясини янада кучайтириш учун барча сўз-ҳаракатларни амалга оширамиз.

(Давоми 2-саҳифада)

МИНТАҚАВИЙ МУЛОҚОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧИ

Тошкентда 29 ноябрь куни
Марказий Осиё давлатлари
раҳбарларининг Маслаҳат
учрашуви бўлиб ўтди.

Марказий Осиё халқларини кўп асрлик қардошлиқ ришталари, муштарак тарих, маънавий ва маданий қадриятлар, ўхшаш тил ва менталитет бириктириб туради. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон бир қўлнинг беш бармоғидек ҳаммаша бир-бирига суянган, елкадош бўлган. Умумий тарихий меросга эга халқларимизнинг барқарор ривожланиши ва фаровон келажакни бир-бирдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев сайловолди дастуридаёқ ташқи сиёсатни амалга оширишда барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустақамлашга устувор аҳамият қаратган эди.

Бу мақсадлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топди. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик муҳитини мустақамлаш, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилишни ҳал этиш каби масалалар устувор йўналишлар этиб белгиланди.

Ўтган қисқа вақтда бу борада тарихий қадамлар қўйилди. Чегарадан ўтиш, сувдан фойдаланиш каби ўпир муаммолар ҳал этилди. Чегаралар очилди, ўзаро борди-келди кўпайди.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ
ВА ЎНАРМАНДЛАРНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда миллий хунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни хунармандчиликка кенг жалб этиш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг республика ҳудудларини хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича иختисослаштириш ва уларга хунармандчилик маҳсулотларини чет эл бозорларида намоён этиш ва сотиш учун кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини бириктириш тўғрисидаги таклифлари 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари "Хунарманд" уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мурожаатига асосан ўзига бириктирилган ҳудудлардан бошқа ҳудудларда фаолият юритувчи хунармандлар маҳсулотларини чет элда намоён этиш ва сотишда ҳам ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатади.

(Давоми 3-саҳифада)

Тошкент вилояти

Пискент инвестиция ва инновация МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ

Шоҳ ва шоир Заҳрирдин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарига завқ билан тилга олиниб, гўзал табиати, серўтлоқ яйловлари таърифу таснифи этилган Пискент Тошкент воҳасининг энг кўҳна, тарихий кентларидан ҳисобланади. Маъданчилар шаҳри Олмақизга бешик бўлган, ялпи ҳудуди бир томондан Оҳангаронгача, иккинчи ёнда Бўка кенгликларигача қўзилган, қардош Тожикистон билан қўшни ушбу масқандан қўллаб уламолар, олим музафзалар етишиб чиққан. Ҳалол меҳнат билан яшашни ўзларига қатъий одат қилган одамлар қадимдан деҳқончилик ва хунармандчиликнинг ҳадисини олганлар.

Айниқса, боғдорчилик энг эзгу удумга, шарафли касбга айланган. Бу ерда зироатчиликнинг турли йўналишларида янгиликлар яратилган иштиёқманд одамлар яшайди. Туман ҳудудида ёши 1,5 асрга тенг анжир, бир тупда уч хил рангда мева берадиган гилос дарaxтлари бор. Қишининг қаҳратон чилласида иссиқхоналаридаги иш-

комдан янги етилган узумни узиб, пойтахт бозорларида сотаётган, ҳали табиат уй-қуда эканлигидан барра тоқ баргидан дўлма тайёрлаб, хўрандаларга тортиқ этаётганлар ҳам мана шу пискентликлардир.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятига ташрифлари чоғида мазкур ҳудуд аҳлининг юқоридаги фазилатларини

алоҳида эътироф этиб, туманни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш мақсадида инвестиция ва инновация марказига айлантириш бўйича топшириқ берган эдилар. Бу эзгу ташаббус туман аҳли томонидан катта хурсандчилик ва қизгин

қўллаб-қувватлаш билан қарши олинди. Шу йилнинг 18 июль куни савдо ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича Ўзбек-Хитой форумининг Пискентда ўтказилганлиги эса хайри ишларнинг бошланиши бўлди.

(Давоми 2-саҳифада)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАЎБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА БРИФИНГДАГИ БАЁНОТИ

(Боши 1-саҳифада)

Энергетика инфратузилмаларини модернизация қилиш ва минтақанинг транзит имкониятларини кенгайтиришга қаратилган йирик лойиҳаларни рўйга чиқариш ниятида.

Иқтисодий ва транспорт коридорларининг самарали минтақавий тизимини яратиш борасида фаол ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам давом этади.

Сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини юмшатиш, экологик хатарларга қарши курашиш масалалари бўйича ҳам батафсил фикр алмашидик.

Биз инновация технологияларни жалб қилиш, "яшил иқтисодиёт" принципларини жорий этиш, чўлланишнинг олдини олиш орқали Оролбўйи муаммоларини ечишдаги саяё-ҳарақатларимизни мувофиқлаштириб борамиз.

Мамлакатларимиз минтақалари ўртасида фаол мулоқотни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, илм-фан, таълим, туризм, маданият ва спорт соҳаларида қўшма тadbирларни мунтазам ўтказиб боришга келишиб олдик.

Биз Марказий Осиё халқларини бирлаштириб турадиган умумий қадрият ва аъёнларни асраб-авайлаш, кенг тарғиб қилиш бўйича қўшма дастурларни амалга оширишдан манфаатдор эканлигимиз баён этдик.

Музокаралар чоғида минтақادا хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қўл томонлама ҳамкорлик масалаларига аниқрақ жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, ҳуқуқни муҳофиза қилиш органлари ва махсус хизматлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Биз Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича

халқаро саяё-ҳарақатларни фаоллаштириш тарафдоримиз. Биродар афғон халқида амалий ёрдам кўрсатишни, ён қўшимиз бўлган ушбу мамлакатда бевосита улар иштироклада қўшма инфратузилма лойиҳаларини ва минтақавий ташаббусларни илгари суришни бундан кейин ҳам жадал давом эттирамиз.

Бу чора-тадбирлар Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, тинчлик жараёнларини таъминлаш, иқтисодиётни қайта тиклаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга ишонамиз.

Минтақамиз давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви форматидagi ҳар йил ўтказиладиган саммитлар гоғтада муҳим эканини барчамиз қатъий маъқулладик. Учрашувларимиз ҳамкорлигимизнинг энг долзарб масалаларини очиклик ва ўзаро ишонч асосида муҳокама қилиш учун самарали мулоқот майдони бўлишини яна бир бор тасдиқлади.

Саммит якунида муносабатларимиз натижадорлигига хизмат қиладиган муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Бу ўринда, аввало, қўшма баёнот ҳақида тўхталганини истар эдим. Мазкур ҳужжат бизнинг минтақавий ҳамкорлигимизни ҳар томонлама чуқурлаштириш, дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги умумий сийбон иродаимизни яна бир бор тасдиқлади.

Биз Маслаҳат учрашувларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда Регламентини маъқулладик. Ушбу ҳужжат саммитларга пухта ҳозирлик кўриш, уларни тизимли равишда ўтказиш, келишилган ва ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Биз Туркманистон Президентининг тақлифини тўла қўллаб-қувватладик ва оқоролдимиз, Қозғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбوشي Нурсултон Абишевич Назар-

боевни Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувининг фахрий раиси этиб сайладик.

Эътиборингизни муҳим бир масалага қаратмоқчиман. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви формати қандайдир янги минтақавий ташкилот тузиш ҳақида гапиришга асос бўла олмайд.

Хурматли журналистлар! Хонимлар ва жаноблар!

Марказий Осиё – асрлар давомида қондош халқлар тинч ва тотув яшаб келаётган жаҳондаги кам сонли минтақалардан биридир.

Бизни муштарак тарих ва маданият, ягона муқаддас дин, ўхшаш менталитет, маънавий-ахлоқий қадрият ва аъёнлар ҳамда ажралмас дўстлик чамбарчас боғлаб туради.

Буларнинг барчаси халқларимиз фаровонлиги ва равақи йўлида Марказий Осиё давлатлари салоҳиятини бирлаштиришга қаратилган ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Сўзимнинг якунида шуни айтишни истардимки, биз олий даражадаги минтақавий мулоқотни ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтарилдик.

Ҳеч шубҳасиз, биргаликдаги интилишларимиз билан олдимизда турган барча мақсадларга албатта эришамиз. Марказий Осиёни хавфсиз ва барқарор тараққиёт минтақасига, кўп қиррали шериклик маконига айлантирамиз.

Биз навбатдаги Маслаҳат учрашувиимизни келгуси йили Қирғизистоннинг гўзал Бишкек шаҳрида ўтказишга келишиб олдик.

Эътиборларингиз учун раҳмат.



Пискент инвестиция ва инновация марказига айланди

(Боши 1-саҳифада)

Хорижий ташкилотларни ривожлантириш бўйича Хитой ассоциацияси (СОДА) бош котиби Хэ Чженвей бошчилигида йирик компаниялар вакилларидан иборат нуфузли делегация туманга ташриф буюрди. Ишбилармонларда худуднинг географик жойлашуви, sanoati ривожланган Тошкент ва Олмалиқ шаҳарларига яқинлиги, табиий ва ер ости бойликларининг мавжудлиги, цемент, оҳак, гишт ва турли черепицалар ишлаб чиқариш имкониятларининг катта эканлиги, энг муҳими, темир йўл ва икита халқаро автомагистралнинг ўтганлиги бошқа меҳнат ресурслари сабаб инвестиция жозибадорлигининг юқорилиги катта қизиқиш уйғотди. Бизнес форумда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун мамлакатларимиз улкан салоҳиятга эга эканлиги алоҳида қайд этилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти, туризм ва табиий соҳаларидаги имкониятлар ҳақида сўз юритилди. Икки томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича қатор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фикр алмашилди. Шу жумладан, Пискент тумани марказини шаҳарлаштириш лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Истикболли лойиҳаларни изчил амалга оширишда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўлмали ишловчилик, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш кафолатлари катта аҳамиятга эга бўлаётганлиги алоҳида таъкидланди. Бошланган хайри ишлар босқичма босқич давом этиб келмоқда. Утган қисқа вақт оралигида узоқ муддатга мўлжалланган инвестиция дастури ҳамда "йўл харитаси" асосида келишувга биноан мўлжалланган 49 та ҳаётбахш лойиҳанинг бир нечасини амалга оширишга муваффақ бўлинди. Уларда sanoat, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш алоҳида қўзда тутилганлиги ҳар жиҳатдан аҳамиятлидир. Масалан, Хитойлик инвестор томонидан 950 минг АҚШ долларлик сармоа ҳисобига очилган "YUSHEN PLAST" МЧЖ қишлоқ хўжалигида томчиликтаб сунорлиқ, ичимлик суви тармоғи ва канализация учун пластмасса қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Хозирнинг ўзида 30 дан зиёд доимий иш ўрни яратган корхона жорий йил охиригача 2 миллиард сўмлик сифатли маҳсулот тайёрлашни режалаштирган. Туркиялик ишбилармон Али Эрдём таъсисчилигида очилган "Lotus tekstil" МЧЖда эса 300 минг АҚШ доллари ҳисобига трокотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Истикболда доимий иш ўринларини 250 тага етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ушбу хорижий корхонада айни вақтда юз нафарга яқин хотин-қиз самарали меҳнат қилмоқда. Истикболли лойиҳаларнинг фақат туман маркази ёки маҳалларда эмас, балки қишлоқларда ҳам бирдек амалга оширилаётганлиги худудларда янги иш ўринларини яратишда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу жиҳатдан қараганда бугун Қўлтөпа қишлоғида ташкил этилган "Турон Бизнес лимитед" МЧЖ фаолияти кўпчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда. Пискент тумани ҳокимининг қарори билан ушбу лойиҳа учун салкам 15 гектар ер ажратилган. Тўғридан тўғри 1 миллион 400 минг АҚШ доллари миқдорига сармоа йўналтирган афғонистонлик инвесторлар ушбу майдонларнинг 3 гектарига ёзда инсон саломатлиги учун бебаҳо бўлган шафран (шафран) доривор пёҳининг уруғини қадаган эдилар. Эътирофли томони шундаки, шифобахш гиёҳлар октябрь ойи охиридаёқ қийғос гулга кирди.

– Тўғриси, бундан ўзимиз ҳам хайратланамиз, – дейди МЧЖ раиси Ходи Абдулаҳади ҳамда иш юритувчи Холиқ Башлар қувончларини яширмай. – Чунки бу экан технологиясида ушбу ҳодиса жуда кам учрайдиган ҳолат. Бу серкўб ўзбек заминининг нақадар саноат ва унумдорлигини, доривор гиёҳ уруғлари Пискент иқлими ва ерларига жуда мос тушганини аниглади. Ушбу лойиҳа тўлиқ қувват билан амалга оширилган, 40 та доимий, 200 та мавсумий иш ўрни яратилди.

Юқоридagi мисоллардан кўришиб турибдики, туманда Давлатимиз раҳбари топириқларини амалга ошириш бўйича қўллаб хайри ишлар қилинмоқда. Шу қўнларда барчани ҳаёжонга солиб турган навбатдаги энг катта лойиҳа устида хитойлик ишбилармонлар билан музокаралар олиб борилмоқда. Гап шундаки, Пискентда келгусида 150 миллион АҚШ доллари қийматидаги инвестиция ҳисобига электрон техника воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган юқори қувватли йирик технопарк қурилиши мумкин. Ўз йўналиши бўйича Марказий Осиёда етакчи корхоналардан ҳисобланадиган ушбу лойиҳа амалга ошса, асосий маҳсулотни экспорт қилиниб, 2 мингта янги иш ўрни яратилади. Пискент тумани ҳокими Шўҳрат Аҳмедов мазкур масалада ташриф буюрган, нуфузли Хитой компанияларининг директорлари кенгаши раиси жаноб Юэ Хэфу билан учрашиб, амалий мулоқот ўтказди. Инвесторлар тақлиф қилинган худудни бориб кўришди. Транспорт ва бошқа инфратузилма имкониятлари синчиклаб ўрганилмоқда. Бундай мисолларни бугун туманда амалга оширилаётган эзгу ва ҳаётбахш ишлар жумласидан қўллаб келтириш мумкин. Умуман олганда, ўтган даврда sanoat ва қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш йўналишларида 10 та корхона ишга тушди. Жами 9 миллион 109 минг АҚШ долларлик инвестициялар жалб этилди. Tadbirkorлик муҳитининг ҳар жиҳатдан барқарорлиги таъминланаётганлиги, ўрта ва кичик бизнес ҳамда хорижий корхоналар фаолиятига кенг қўлайликлар яратиб берилаётганлиги туфайли туман бюджетига тушумлар миқдори ҳам кун сайн ўсиб бормоқда. Сўнгги уч йилда тушумлар миқдори 3,1 бараварга ортганлиги туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётганидан далолатдир.

– Ҳали яна турли соҳаларни ривожлантириш, қўллаб янги корхоналар барпо этиш учун етарли шарт-шароит, моддий ва табиий ресурслар мавжуд. – дейди туман ҳокими Шўҳрат Аҳмедов. – Пискент заминин ер ости минераллари, оҳак, мрамор, қум ва шағалларга ҳам бойдир. Шунингдек, Гулистон – Оҳангарон автомагистрал йўли атрофидаги 53 гектар ер майдонида гидропоника усулида иссиқхона барпо этиш, Гулистон маҳалласидаги 30 гектар майдонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, қадоқлаш, сақлаш ва қайта ишлаш транспорт логистика марказларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни, 300 гектар пеллаи ер майдонида эса интенсив боғ ва узумзорлар бунёд этиш имкониятлари мавжуд. Дарҳақиқат, бугун қўнча Пискент қўллаб ишбилармон ва хорижий инвесторларнинг эътиборига тушди. Tadbirkorлар томонидан туманга қизиқиш, интилиш кун сайн кучайиб бормоқда. Бизнес учун яратиб қўйилган қулай муҳит, етарли шарт-шароит ва имкониятлар ишбилармонларнинг ҳеч иккиланмасдан фаолият бошлашларида қўл келмоқда.

Иброҳим ТОШЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

МИНТАҚАВИЙ МУЛОҚОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧ

(Боши 1-саҳифада)

Президентимиз илг давлат ташрифларини кўшни мамлакатларга амалга оширди. Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан стратегик шериклик муносабатлари ўргатилди. Қозғистон билан стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш борасида муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан умумий чегарага эга Ўзбекистоннинг бу саяё-ҳарақатлари бугун минтақадagi муҳимта ижобий таъсир кўрсатди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви ана шундай яхши қўшничилик муҳити, халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга қаратилган эзгу ташаббусдир.

Мазкур анжуман тарихига назар ташласак, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу ҳақда илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб айтган эди. 2017 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида давлатимиз раҳбари "Марказий Осиёнинг қўқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик худудига айланишидан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққиёт этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир", дея таъкидлади.

Уш йили ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро анжуманда Президентимиз Марказий Осиёга оид долзарб масалалар бўйича минтақа мамлакатларининг саяё-ҳарақатларини бирлаштириш, бунинг учун Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини мунтазам йўлга қўйишни тақлиф этди.

Бу ташаббусни минтақадagi барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар қўллаб-қувватлади. Элбوشي Нурсултон Назарбоевнинг тақлифига биноан, биринчи Маслаҳат учрашуви 2018 йил 15 мартда Қозғистонда бўлиб ўтди. Унда минтақа мамлакатлари ўртасида сийбон, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари тақлифининг ижобати сифатида 2018 йил 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Марказий Осиё бўйича махсус резолюция қабул қилинган минтақавий ҳамкорлик ривожига мустаҳкам замин яратадиган яна бир тарихий воқеа бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон ташқи сийбонда "Марказий Осиё – бош устувор йўналиш" тамойили амалда татбиқ этила бошлади. Барча қўшничилигимиз билан дўстона ва ўзаро ишонч руҳидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш асосий вазифалардан бирига айланди.

Қозғистон Ўзбекистоннинг асосий савдо шерикларидан саналади. 2018 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 50 фоиз ўсиб, 3 миллиард доллардан ошган. Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида бу кўрсаткич 2,9 миллиард долларни ташкил этди.

Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссия самарали фаолият олиб бормоқда. Юртимизда Қозғистон капитални иштирокда 766 та, Қозғистонда эса Ўзбекистон резидентлари иштирокда қарийб 200 корхона очилган. Автомобиль ва темир йўллар орқали юк ташин ҳажми ҳам ўсган. Мамлакатларимизнинг йирик шаҳарлари ўртасида автобус ва самолётлар қатнови йўлга қўйилди.

Қирғизистон билан алоқалар ҳам кенгаймоқда. Хусусан, 2018 йилда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 481 миллион доллардан ошган бўлса, жорий йилнинг январь-октябрь ойларидаёқ кескин ўсиб, 703 миллион долларга етган.

Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссия ишламоқда. Ўзбекистонда Қирғизистон вакиллари иштирокда 150 та, Қирғизистонда эса юртимиз капитални иштирокда 51 корхона очилган. Худудларо алоқалар, sanoat кооперацияси ҳам изчил ривожланмоқда.

Кейинги йилларда Тожикистон билан ҳамкорлик ҳам фаоллашди. Масалан, 2018 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 389 миллион доллардан ошган бўлса, жорий йилнинг январь-октябрь ойларида бу кўрсаткич қарийб 30 фоиз ўсиб, 408 миллион долларга етган.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссия тузилган. Икки мамлакатда ўзаро ҳамкорликда тузилган ўнлаб корхоналар ишлаб турибди. Маданий-гуманитар ва туризм соҳасидаги алоқалар ҳам кенгаймоқда.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммитининг асосий воқеалари 29 ноябрь куни Қўқсарой қароргоҳида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев дастлаб саммит меҳмонлари билан учрашувлар ўтказди.

Қозғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбوشي Нурсултон Назарбоев билан учрашуви аввалоги давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонини самимий қўллаб, унга ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари етакчилари учрашувларини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун яна бир бор миннатдорлик билдирди.

Биргаликдаги саяё-ҳарақатлар туфайли кейинги йилларда Ўзбекистон ва Қозғистон ўртасидаги аъёнанивий яқин муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди, аниқ амалий мазмун билан бойиди.

Элбوشي Нурсултон Назарбоев, ўз навбатида, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илг бор 2018 йили Нур-Султон шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари минтақадa кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани ҳамда шерикликнинг амалий лойиҳаларини илгари суриш учун самарали майдон вазифасини ўтаётганини таъкидлади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга оид, шунингдек, глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан учрашувда давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини изчил мустаҳкамлашни бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Турли даражалардаги алоқалар фаоллашгани, товар айирбошлаш ортаётгани, гуманитар алмашинувлар жадаллашгани алоҳида таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Томонлар Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Тошкентдаги Маслаҳат учрашуви минтақа мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш ҳамда дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга салмоқли хисса қўйишига ишонч билдирдилар.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан мулоқотда стратегик шериклик даражасига кўтарилган кўп қиррали Ўзбекистон – Тожикистон ҳамкорлиги ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ҳамкорликдаги саяё-ҳарақатлар туфайли бугун савдо-иқтисодий муносабатлар фаол ривожланмоқда. Ўзаро савдо ҳажми ортмоқда, турли тармоқлардаги кооперация кенгаймоқда, маданий-гуманитар алмашинувлар кўпаймоқда. Учрашувда қардош мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб

масалалар кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

Туркманистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов билан учрашувда томонлар мамлакатларимиз ҳамкорлигининг долзарб масалалари ва уларни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар. Давлат раҳбарлари, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бошланди. Суратга тушиш маросимидан сўнг делегациялар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбوشي Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов иштирок этди.

Саммитда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мажлис иштирокчиларини самимий қўллаб, ушбу учрашуви ҳаёт талаби, томонларнинг дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, шерикликни кенгайтиришга интилиши ифодаси эканини таъкидлади.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг сийбон иродаси ва биргаликдаги саяё-ҳарақатлари туфайли охириги йилларда қўллаб мураккаб масалаларга ечим топилди. Бу ижобий ўзгаришлар халқларимиз томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда бугун дунёда юқори баҳоланди.

Шу билан бирга, тез ўзгараётган дунёда янгидан-янги масалалар кун тартибига чиқмоқда. Минтақавий хавфсизликка таҳдидлар, барқарор ривожланишга ҳалал берувчи омиллар пайдо бўлаётди. Бу ўзаро ишончга асосланган шерикликни мустаҳкамлаш, саяё-ҳарақатларни мувофиқлаштиришни талаб этмоқда.

Етакчиларнинг мазкур учрашуви олий даражадаги минтақавий мулоқотни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди.

– Яратганининг инюати билан биз қўшниларимиз. Халқларимизнинг тарихи ва тақдир, келажак чамбарчас боғлиқ. Бу эса минтақамизни бирлаштирувчи катта кучдир, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда кўп томонлама ҳамкорлик бўйича ягона нуқтаи назарни келишиб зарурлигини таъкидлаб, унинг асосий йўналишлари ҳақида ўз фикрларини билдирди, қатор муҳим ташаббусларни илгари суриди.

Бу, аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни ривожлантиришдир. Катта бозорга эга, табиий хомашё ва инсон ресурслари салмоқли бўлган минтақамизнинг рақобатдош устуңликларини имкон қадар тўлиқ ишга солиш муҳим. Қўшимча қиймат занжирини шакллантириш, минтақа ичидa савдонини кенгайтириш, иш ўринлари яратиш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқларида янги имкониятларни аниқлаш ва кооперация лойиҳаларини амалга ошириш лозим.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машина-созлиги, автотехносозлик, электротехника, тўқима-чилик sanoati, аграр тармоқда фаол ҳамкорлик қилишга тайёр экани билдирилди. Иккинчи муҳим йўналиш – минтақанинг транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш ва транзит салоҳиятини рўйга чиқариш.

Марказий Осиёнинг транспорт тизимини яратилаётган замонавий логистика инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда минтақа ичидa узлуксиз коммуникацияни таъминлаш, шунингдек, тобора ортиб бораётган транзит оқимларига самарали хизмат қилиши лозимлиги таъкидланди.

Учинчидан, минтақамизнинг узоқ муддатли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, энергетика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги, Ўзбекистон қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини ошириш, замонавий энергетика инфратузилмасини яратиш борасидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёр экани таъкидланди.

Мамлакатларимизнинг улкан туризм салоҳиятини амалга ошириш яна бир истиқболли йўналишдир. Давлатимиз раҳбари бунинг учун Марказий Осиёнинг ягона, кўп-чилик танийдиган туризм бренди, минтақа учун умумий бўлган жозибадор туризм маҳ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ХУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
ХУНАРМАНДЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА
ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

тарзда реал вақт режимда янгиланувчи очик ва умум фойдаланиладиган веб-сайт кўринишида ишга тушириш чораларини кўрсин ва доимий равишда янгиланган бўлсин.

7. 2020 йил 1 январдан бошлаб:

2023 йил 1 январга қадар Миллий каталог ва Реестрга киритилган хунармандлар учун календарь йили давомида хунармандчилик махсулотларини (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган тушуми 100 млн сўмдан ошган, бироқ 1 млрд сўмдан кўп бўлмаган миқдорда ушбу яққа тартибдаги тадбиркорлар томонидан ягона солиқ тўлов ставкаси 2 фоиз миқдорда бўлади;

хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича янгидан давлат рўйхатидан ўтишда тўланадиган давлат божи яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун амалда белгиланган давлат божи миқдорининг 50 фоизи миқдорда ўрнатилсин;

Миллий каталогга киритилган хунармандларга шогирдлар сони бўйича чекловлар бекор қилинсин;

кўرғазма заллари, галереялар, павильонлар, бозор ва ярмарка рассталарида намойиш қилиш ва сотиш учун жойлар, фаолиятини кенгайтириш учун ихтисослаштирилган хунармандчилик мажмуаларига ер участкалари ажратилишида Миллий каталогга киритилган хунармандлар учун устуворлик қўлланилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5242-сон Фармони билан қишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган хунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки йилли мобайнида Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган ягона ихтимой тўловнинг 50 фоизини тўлаш тартиби ўрнатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Мазкур тартиб 2020 йил 1 январдан бошлаб шаҳарларда рўйхатдан ўтган ва айнан халқ амалии санъати махсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи "Хунарманд" уюшмаси аъзоларига таъбиқ этилсин.

Бунда, халқ бадий хунармандчилиги ва амалии санъати билан боғлиқ билимлар ва кўникмалар, аънаваний асбоб-анжомлардан фойдаланган ҳолда, асосан қўл меҳнати усулида яратилган ва қонда тарихида миллий нақшлар билан безатилган буюм ва асарлар халқ амалии санъати махсулотлари ҳисоблангани белгилаб қўйилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4498-сон қарорига мувофиқ 2020 йил давомида хунармандчиликни ривожлантириш дастури учун 589,3 млрд. сўм миқдорда (шундан, 470 млрд. сўм (50 млн. АҚШ доллари) Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан) кредитлар ажратилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларни юқоридаги қарорнинг 2-банди тўғрисида хатбошида белгиланган шартларда ажратсин.

АТ Халқ банки, "Микрокредитбанк" АТБ ва "Агро-банк" АТБ ушбу манбалар ҳисобидан "Хунарманд" уюшмаси аъзоларига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хомашё материалларини харид қилиш, хунармандчиликни ривожлантириш марказлари, "уста-шоғирд" мактабларини ташкил этиш, уй-музей ва устохоналар қуриши ёки шу мақсадларда бино ва иншоотлар сотиб олиш, айланма маблағларни тўлдириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошмаган ҳолда 18 ой мuddатда, базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 бараваридан ошмаган миқдорда кредитлар ажратсин.

Бунда "Хунарманд" уюшмаси аъзоларига тадбиркорлик лойиҳаларига тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошмаган ҳолда ажратилган кредитлар фоиз ставкаларининг тўртдан бир қисми Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўллаб берилсин.

10. "Хунарманд" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб хунармандчиликка ихтисослашган ҳудудларда хунармандчилик ва халқ амалии санъати йўналишлари бўйича болалар мусика ва санъат мактаблари, "Баркамол авлод" болалар марказлари ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидagi касб-хунарга ўқитиш марказларида ўқув курсларини ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Хунарманд" уюшмаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар хунармандчилик йўналишида касб-хунар таълими муассасаларида кадрлар тайёрлашнинг намунавий ўқув режа ва дастурларини тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Урмон ҳўжалиги давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси икки ой мuddатда хунармандларни махсулот ишлаб чиқариш учун хомашё (шу жумладан, мис, қора металл, илак ва ёғоч) билан таъминлашнинг қўлай тизимини жорий этиш ҳамда қайта тикланган хомашё (тузорлар, қаттиқ турдаги дарахлар) базисини яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Миллий каталогга киритилган хунармандларга маркетинг соҳасида доимий амалий ёрдам кўрсатсин ва уларнинг махсулотлари электрон тижорат (E-commerce) йўналишида кенг қўлланиладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғи веб-сайтлари орқали сотилишида зарур ташкилий ишларни йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари: икки ой мuddатда йирик савдо мажмуалари ва деҳқон бозорлари ҳудудларида алоҳида "хунармандлар расталари"ни ташкил этсин;

"Хунарманд" уюшмасига аъзо бўлган хунармандларни доимий равишда "хунармандлар расталари"га жойлаштириб борсин;

2020 йил якунига қадар ташаббускорларни жалб қилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 2-иловага мувофиқ туман ва шаҳарларида миллий хунармандчиликнинг барча йўналишларини ўзда мутасаммад эътиборда қўйишга "хунармандлар бозори"ни ташкил этсин;

хунармандларни ихтимой қўллаб-қувватлаш мақсадида "Сузуқ от" мажмуаси мисолида ихтисослаштирилган хунармандчилик мажмуаларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

2020 йил якунига қадар Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва "Хунарманд" уюшмаси билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳрида халқ амалии санъати ва хунармандчилик махсулотлари кўрғазма заллари ва галереяларини ташкил этсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси "Хунарманд" уюшмаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда "World craft council" халқаро хунармандчилик кенгаши томонидан ташкил этиладиган тадбирларда "Хунарманд" уюшмасининг доимий иштирокчини таъминлаш ҳамда ушбу халқаро ташкилот билан хунармандчиликни ривожлантириш борасидаги тадбирлар учун халқаро ташкилотларнинг техник қўмагини жалб қилишга қаратилган аниқ тадбирларни ишлаб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва "Хунарманд" уюшмаси хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш борасидаги халқаро тажрибани мунтазам ўрганиб бориш ва умумлаштириш, шу асосда илгор хорижий тажрибаларни Ўзбекистон Республикасида жорий этишга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

15. "Uzbekistan airways" АЖ ва "Ўзбекистон темир йўллари" АЖга хунармандчилик соҳасидаги нуфузли халқаро фестивал ва кўрғазмаларда қатнашадиган Миллий каталогга киритилган хунармандлар учун йўл чипталарига имтиёзлар қўллаш тасвиқ этилсин.

Бунда хорижий давлатларда аънаваний тарзда ўтказиладиган хунармандчилик соҳасидаги нуфузли халқаро фестивал ва кўрғазмаларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хориждаги дипломатик ваколатхоналари орқали хорижий давлатларда аънаваний тарзда ўтказиладиган хунармандчилик соҳасидаги нуфузли халқаро

фестивал ва кўрғазмаларда хунармандлар иштирок этишлари учун зарурий ташкилий қўмақ кўрсатилишини таъминласин.

16. Хунармандчилик соҳасини янада ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" (кейинги ўринларда – "Йўл харитаси") 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

"Йўл харитаси"да назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши зосидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига шахсий жавобгарлик юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси "Хунарманд" уюшмаси билан биргаликда "Йўл харитаси"да назарда тутилган чора-тадбирларнинг бажарилиши бўйича маълумотларни ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги республикада хунармандчилик соҳасининг ривожланишини баҳолаш учун тегишли индикаторларни Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва "Хунарманд" уюшмаси билан биргаликда икки ой мuddатда ишлаб чиқсин ва уларнинг 2020 йилдан бошлаб ҳар чоракда оммавий ахборот воситаларида чоп этиб борилишини таъминласин.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ой мuddатда:

мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирлар ҳамда туман ва шаҳарларнинг хунармандчилик йўналишлари бўйича ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2020-2021 йилларда хунармандчиликни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқсин;

ишлаб чиқилган стратегиялар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида тақдимот ўтказсин ва тегишли тартибда тасдиқласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Давлат божхона қўмитаси, Фанлар академияси, Бадий академияси, Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда аънаваний халқ бадий хунармандчиликни бўюмлари турларини қайта кўриб чиққан ҳолда маданий бойликларга тааллуқли ашёлар тоғисига тарихий ўзгартаришлар киритиш зосидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

19. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси: "Хунарманд" уюшмаси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида хунармандчилик ва халқ амалии санъати тарихи ҳамда бугунги ривожини кенг тарғиб қилиб бориш мақсадида "Маданият ва маърифат" телеканалда мунтазам намойиш этиладиган хунармандчиликка оид телекўрсатувларни ташкил этсин;

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва "Хунарманд" уюшмаси билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда ўзини ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2019 йил 28 ноябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Бугун Ўзбекистонда тадбиркорликнинг хусусий тармоғи ривожланиб бораётганини нафақат маҳаллий, балки хорижий эксперт ва ОАВ ҳам эътироф этмоқда. Дарҳақиқат, мамлакатда тадбиркорлик учун яратилган имкониятлар, инвесторлар учун очилаётган "эшик"лар Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестиция ва халқаро молия институтлари кредит линияларининг кириб келишига йўл очмоқда.

Qishloq Qurilish Bank
ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИНГ
ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

Ана шундай хорижий кредит линияларини мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш ва хусусий секторга йўналтиришда АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг ҳиссаси алоҳида ўринга эга.

25-26 ноябрь кунлари АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан Бухоро вилоятида 2019 йилда амалга оширилган инвестиция лойиҳалари билан таништириш мақсадида пресс-тур уюштирилди. Пресс-тур доирасида журналистлар банк филиаллари ва ҳамкор корхоналарда олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Дастлаб банкнинг Бухоро вилояти минтақавий филиалига ташриф буюрилди.

Хусусан, бугунги кунда АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Бухородаги филиаллари томонидан жами 74 минг 214 та мижозга хизмат кўрсатилди, улардан 19 минг 897 тасига Бухоро минтақавий филиалида, 41 минг 340 тасига Когон филиалида ва 12 минг 977 тасига Галя Осиев филиалида хизмат кўрсатилади. Шунингдек, Бухоро вилоятида



2019-2020 йилларда АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" мижозларининг умумий қиймати 241,8 млрд. сўмлик 44 та инвестиция лойиҳаси мавжуд бўлиб, шундан, 149,5 млрд. сўмлик 28 та лойиҳа банк кредити иштирокчида амалга оширилиши режалаштирилган. Ушбу лойиҳаларнинг 122,2 млрд. сўми ташаббускорларнинг ўз

маблағлари, 36,1 млрд. сўми банк кредитлари ва 9,9 млн. АҚШ доллари хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштирилиши режалаштирилган. Ҳозирда ушбу лойиҳалардан 27 та мижозга жами 19,2 млрд. сўмлик ва 8,6 млн. АҚШ долларилик хорижий кредит маблағлари ажратилиб, ушбу лойиҳалардан 22 таси

Реклама ҳуқуқи асосида



ишга туширилиб, жами 191 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, Бухоро вилоятида 2019-2020 йиллар давомида банк томонидан тўғридан-тўғри хорижий кредитлар ҳисобига жами 70 та лойиҳага 16,2 млн. АҚШ доллари миқдорда кредитлар ажратилган. Бундан ташқари, "Бухоро-агро" ЭИЗда 5 та мижоз лойиҳасининг умумий қиймати 6,0 млн. АҚШ доллари, шундан 4,9 млн. АҚШ доллари хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштирилиши режалаштирилган.

Пресс-тур иштирокчилари банк кредити ёрдамида фаолият қоритётган ҳамкор корхоналар фаолияти билан танишсини "Қоровулбозор нур обод" МЧЖдан бошлади.

– Корхонамизда ташкил этилган иссиқхона фаолиятини ривожлантириш лойиҳаси қиймати 6 минг 480 долларни ташкил этади, – дейди "Қоровулбозор нур обод" МЧЖ раҳбари Фарух Бекмирзаев.

– Лойиҳани амалга ошириш учун "Қишлоқ қурилиш банк"дан 4 минг доллардан зиёд кредит ажратилди. Бу кредит имтиёзли тарзда ажратилган бўлиб, уни йиллик тўрт фоиздан тўлаямиз. 120 та иш ўрни яратилган иссиқхонанинг йиллик ишлаб чиқариш айланма маблағи 6 минг

Равшан Эшмуродов.

Лойиҳа қиймати жами 4 млрд. сўмдан иборат бўлиб, йиллик айланма маблағи ҳам 4 млрд. сўмга тенг. Шунингдек, у ерда 15 та иш ўрни яратилган.

Пресс-тур иштирокчиларининг кейинги манзили Бухоро шаҳридаги "Шахина Стайл" оилавий текстиль корхонаси бўлди. Ушбу корхонада турли ёшдаги эркеклар ва аёллар учун мавсумий кийимлар тайёрланади.

"Шахина Стайл" оилавий корхонасини ташкил этишда 164 минг АҚШ доллари жалб этилган бўлиб, шундан 40 минг доллар банк кредити ҳисобидан қолланган. Корхона яқинда ишга туширилган бўлиб,

пойтахтлик меҳмонлар дастлаб Бухоро шаҳрида жойлашган "Бурда локс текстиль" МЧЖ фаолияти билан танишди. Мазкур корхонанинг тикувчилик фаолиятини кенгайтириш учун "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан 48 минг доллар ажратилган. Шунингдек, корхона фаолияти кенгайтирилиб, 120 та иш ўрни яратилган.

– Корхонамизда асосан 2 ёшдан 17 ёшга бўлган болалар ва қизлар кийимлари тайёрланади, – дейди корхона раҳбари Истам Амонов. – Махсулотларимизни ҳозирча маҳаллий бозорларда савдога чиқаряпмиз. Келажакда уларнинг экспортини амалга ошириш ниятимиз бор.

Иккинчи куннинг иккинчи манзили "Вухага Komfort Plast" МЧЖ бўлди.

Бу ерда пластик қувурлар ва пластик фитинглар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилган. Лойиҳани амалга оширишда "Қишлоқ қурилиш банк" 2 млрд. 450 млн. сўм маблағ ажратган. Фаолият бошлаганига бир йил бўлган мазкур корхонада банк маблағи эвазига янги турдаги махсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, журналистлар Жондор туманидаги "Якхатут" МЧЖ томонидан ташкил этилган донни қайта ишлаш заводига ҳам бўлди.

Мазкур лойиҳани амалга оширишда 3 млрд. сўм банк кредити ҳисобига янги ускуналар сотиб олинди, дон махсулотларини қайта ишлаш фаолияти кенгайтирилди.

Ҳозирда корхонада йилга 16 минг 800 тонна дон қайта ишланб, 10 минг тоннадан ортиқроқ ун махсулотлари ишлаб чиқарилади. Шунингдек, корхонада 80 та доимий иш ўрни яратилган.

Пресс-тур иштирокчилари шу кунга "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Галаосиев филиали янги маъмурий бинода иш бошлаши муносабати ташкил этилган тадбирда ҳам иштирок этиб, у ерда мижозлар учун яратилган шартнома билан танишди. Тадбирда банк бошқаруви ва Бухоро вилояти ҳокимлиги раҳбарлари, банк мижозлари иштирок этди.

Сўхроб ЗИЁДУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.



400 долларни ташкил этади.

Сўнгра журналистлар "Когон Меҳнат Роҳат" ХК томонидан ташкил этилган кўнгилчор истироҳат боғида аҳоли учун яратилган шартнома билан танишди. Истироҳат боғи икки қисмдан иборат бўлиб, у ерда ёзги ва қишки кийимлар ташкил этилган. Ёзги қисмида табиат қўйиқларида ўрнатилган турли аттракционлар жой олган бўлса, қишки қисми ёпиқ бинода жойлашган бўлиб, қишинг соғуқ кунларида ҳам турли компьютерлашган ва спорт-кўнгилчорар уй-ишлари ташриф буюрувчилар учун хизмат қилади.

– Мазкур боғнинг ташкил этилишида "Қишлоқ қурилиш банк"дан олинган 2 млрд. сўм кредит маблағи асқотди, – дейди корхона раҳбари

унинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 450 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Пресс-турнинг дастлабки кунини журналистлар "City Med Вухага" МЧЖ диагностика ва даволаш маркази тақдими билан якунлади. Ушбу замонавий тиббиёт маркази лойиҳасининг умумий қиймати 6 млрд. 950 млн. сўм бўлиб, шундан 5 млрд. сўмини "Қишлоқ қурилиш банк" кредити ташкил этади.

– Мазкур тиббиёт масканда 10 дан ортиқ бўлимлар ташкил этилган бўлиб, улардаги малакали шифокорларимиз аҳоли саломатлигини тиклашда хизмат қилмоқда, – дейди муассаса бош шифокори Фотима Очилова.

Пресс-турнинг иккинчи кунинда

Хоразм вилояти

Унутмоқ осонмас сизларни

Боғот туманининг Қулонқорабоғ қишлоғида яшаб ўтган Искандар Искандаров собитқадам, меҳнаткаш, фидойи инсон эди. Искандар ака гарчи 47 йил умр кўрган бўлса-да, ўзидан яхши хотиралар, ибрат бўларлик эзгу амалларни қолдириб кетган.



У 1948 йили Қулонқорабоғ қишлоғида таваллуд топди. Урта мактабни томонлагач, 1969 йили Тошкент Халқ хўжалиги институтини ўқитиб тугатиб, иш фаолиятини хўжаликда бригадирликдан бошлади. Кейинчалик колхозларда бош хисобчи, туман ва вилоятда масъул вазифаларда ишлади. У қаерда ишлаган, раҳбарларнинг ҳам, халқнинг ҳам олқишига сазовор бўлди. 35 ёшида Қулонқорабоғ қишлоғидаги колхозга раҳбар бўлди. Собитқўролар давридаги колхозларни ўша давр одамлари яхши эслашади. Хўжаликка раис этиб қўйилган одамнинг зиммасига катта масъулият оқланади. Турғи, ҳар бир соҳанинг ўзининг масъул одамлари бўларди, аммо раис буларнинг ҳаммасини ўз назоратида ушлаб туриши, барча ишдан хабардор бўлиши лозим эди. Искандар ака ана шундай раислардан эди. Техникани яхши тушунар, хўжаликдаги тракторларнинг бенуқсон ишлашини назоратига олганди. Бир гал туман каттаси у бошқарётган хўжаликка бораётганлигини рацияда маълум қилади. Уша пайт Искандар ака далада бузилиб қолган тракторнинг таъмирига қарашаётганди. Раис тракторчи ва механиклар созлай олмаётган тракторнинг "дарди"ни топшиш учун енг шимариб, ишга тушиб кетганди. Шу пайт узоқдан райкомнинг машинаси кўринади. Райком вазиятни англаб, ўзига пешвоз чиққан Искандарнинг мой кўллари ва уст бошини кўриб "ишни жадаллаверинглар", дея изига қайтиб кетган экан. Уша даврларда айрим раислар айни тушлик пайтида, соя-салқин жойларда базму жамшидда ўтирганининг кўп гувоҳи

бўлар райкомнинг хаёлидан нималар ўтгани унинг ўзига аён эди. Узоқ тумандан бир дўсти уни тўйга тақлиф қилади. Искандарнинг тўйга боришга иш билан кўли тегмайди. Айни экиш пайти эмасми, иш тигиз. Тонги соат тўртларга қараб сал кўли бўшагач, ҳайдовчисини чақириб, "Кетдик, Гурланга тўйга бориб келамиз", дейди. Шунда ҳайдовчиси каловлачи, "Раис бува, тўй эгалари аллақачон ухлаб қолишгандир", деса раис "Ухлаб қолишганини мен ҳам биламан, борсак машинанинг изи тушиб қолади. Эрталаб кўриб эҳ, раис бува келибди, биз билмай қолибмиз, деб кўя қолишади. Кейин гина бўлмайди-да", деган экан. Улар йўлга тушади. Раис Боғотдан Гурланга боргунча машинада кўш уйқуси қилиб олади. Унинг ана шундай фазилатларини одамлар ҳали ҳамон эслашади. Раиснинг хузурига келишини ёқтирмай бир йилдан бери уйига жўнатиб юборган оилани олиб келишади. Қайнона шундай ўжар эдики, "ўлсам ўламан, аммо уни уйга киргизмайман", дея оёқ тираб олганди. Раис уларни обдон тинглаб, мулоҳаза юритиб қайнонага шундай савол беради: – Бозордан олган сигирингиз сузонгич чиқса ҳам ипини орқасига ташлаб қайдаб юборасизми? – Йўқ, – дея жавоб беради қайнона. – Одамнинг тақдирини сиз учун шу сигирингич ҳам йўқми? – яна савол беради раис. Жаҳл отига минган қайнона бу гапдан сўнг юмшаб, келишини олиб кетган экан. Искандарга раҳбарлик асли қонидан ўтган. Отаси Амин Искандаров

ҳам узоқ йиллар раислик вазифасида ишлаган, тажрибали раҳбарлардан эди. Халқ билан бирга бўлди, халқнинг яхшию-ёмон кўнларини бирга ўтказди. У раислик қилган даврларда қишлоқ газлаштирилди, хонадонларга сув тармоқлари тортилиб, ҳамқишлоқлари тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлишди. Урта мактаб, битта болалар боғчаси, стадион, маданият уйи қурилди. Қишлоқ йўллари асфальт қилинди. Бу ишларнинг бошида Искандар раис турди. Бугун у бошлаган ишларни шогирдлари, ўғил-қизлари давом эттирмоқда. У турмуш ўртоғи Жамила опа билан саккиз нафар фарзандни тарбиялади. Беш ўғил ва уч қизнинг барчаси олий маълумотли, эл қорига ярайдиган инсонлар бўлиб воғая етди. Оилада Жамила опа фарзандларига отасининг йўқлигини билдирмади. Турмуш ўртоғининг костюмининг шкафта ял-яғни сақлар, ҳар доим чўнтагига пул солиб қўярди. Болалар пул сўраб қолишса, "ана, отангизнинг чўнтагидан олақолинглар", дерди. Бу билан онаизор оилада отанинг ўрнини доимо ардоқда, баланд туртилади. Фарзандларидаги юксак маънавиятлилик, маърифатпарварлик, ростгўйлик, ҳақиқатпешалик, раҳмдиллик каби одамийлик фазилатлари оилавий муҳитда шаклланди. Ҳа, оққан дарё оқаверади. Унинг умрининг давомчилари бор экан, у дарё ҳеч қачон тўхтамайди. Искандар аканинг бу дунёни тарк этганига 25 йил тўлапти. Аммо унинг қилиб кетган эзгу ишлари, айтган яхши сўзлари ҳамон эл оғзида.

Болатбой МАТҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.

Реклама ва эълонлар

PROMZONA AGRO BELARUS
TRAKTORLARI SOTUVDA MAVJUD
(71) 280-00-71
(71) 280-00-72
Махсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

ТОГЛАР МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!
Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд
• Экскаватор-поғрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер • "Беларусь" тракторлари эҳтиёт-қисмлари
• Бульдозер-поғрузчик БЛ-750 • Турли моделдаги шиналар
• Занжири экскаватор-поғрузчик ЭП-Ф-Ц
• Асфальтторез • Подъёмник БЛ-09
• "Беларусь" (ИПТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
Махсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

QISHLOQ HAYOTI
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидagi ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бақриддин ЗАРИПОВ,
Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадҷон ТОШБОЛАЕВ, Абдурауф АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАИТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).
Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47,
Аграр масалалар бўлими – 233-78-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35,
Иқтисодий-саноат ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49,
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-78-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04
Вилоятлар:
Андижон – (+99893) 630-73-03;
Бухоро – (+99891) 401-29-59;
Жиззах – (+99893) 940-10-78;
Навоий – (+99891) 332-50-99;
Наманган – (+99893) 948-53-86;
Фарғона – (+99890) 407-76-03;
Самарқанд – (+99893) 349-54-39;
Сирдарё – (+99894) 168-23-60;
Сурхондарё – (+99890) 520-20-05;
Тошкент – (+99890) 978-39-58;
Хоразм – (+99897) 750-47-61;
Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Буюртма Г-1125, ҳажми 2 босма табоқ,
Офсет усулида босилди, қроғоз бичими А-2.
Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва
дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.
3 639 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топширилган вақти: 21.00
Босишга топширилди: 02.45

ISSN 2010-7021
Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ
1 2 3 5 6

Реклама

"Ўзагротексаноатколдинг" акциядорлик жамияти тизимидаги
"ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ"
акциядорлик жамияти
қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникаларини
буюртма асосида ишлаб чиқаради ва сотади:
1. Турли русумдаги замонавий ва
барча қулайликларга эга тракторлар (8 турда)
2. Пахта териш машиналари (3 турда)
3. Тиркамалар.
Эслатма: ушбу қишлоқ хўжалиги техникалари
хорижийнинг машҳур
компаниялари билан
ҳамкорликда ишлаб
чиқарилган бўлиб, турли
афзалликларга эга эканлиги
билан ажралиб туради.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси 434 уй.
Мўлжал: (собиқ ТТЗ корхонаси.) Телефонлар: (71)264-08-12, (71)264-77-48. Info:@ TZST.uz.
Махсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!
"КО" CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ
такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади!
"Ko" chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил
этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси
ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг
2019 йил 28 ноябрдаги 1000-сонли буюртманомаларига асосан
қуйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда:
1. Сурхондарё вилояти Қизилқум туманида жойлашган, умумий
майdonи 5600 кв. метр, қурилиш ости майdonи 3560,0 кв. метр, 9 та
литердан иборат, 1 қаватли "Бандихон деҳқон бозори" мажмуаси.
Бошланғич баҳоси – 2 523 133 000 сўм.
2. Андижон вилояти Олтинкўл туманида жойлашган умумий май-
donи 7000,0 кв. метр, қурилиш майdonи 6913,0 кв. метр, 5 та литердан
иборат бўлган "Оқтепа деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси, савдо
расталари ва автотураргоҳ. Бошланғич баҳоси – 2 242 071 000 сўм.
3. Сирдарё вилояти Ховос туманида жойлашган умумий май-
donи 5600,0 кв. метр, қурилиш майdonи 892,0 кв. метр, 9 та литердан
иборат бўлган "Ховос деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси, савдо
расталари ва автотураргоҳ. Бошланғич баҳоси – 1 962 303 000 сўм.
Аукцион савдоси 2019 йил 10 декабрь куни соат 11:00 да Тош-
кент шаҳри Мирзо Улўғбек тумани Ҳамид Олимжон кўчаси 13А-уй ман-
зилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар
расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00
дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши
белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.
Юқоридаги мулклар 2019 йил 10 декабрь куни сотилмаган тақ-
дирда такрорий савдолари 2019 йил 16, 23 декабрь кунлари соат
11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши
белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда
қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғри-
сидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг
аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг
шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
– жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукци-
онда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома,
тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг
нусхаси.
Савдо голибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш кунини
ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти
юклатилади.
Талабдорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда
закалат пулини "Ko" chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ
"DAVR BANK" Олмасор филиалидаги х/р:22604000204920609001,
МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза
топширгунга қадар тўлашнинг шарт.
Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган
манзил: Тошкент шаҳри Мирзо Улўғбек тумани Ҳамид Олимжон
кўчаси, 13А-уй. Тел: (071) 237-23-96. www.1kms.uz. Электрон почта:
kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru
Лицензия RR-0001.

18.07.2012 й.даги 003994-07-сонли реестр рақами билан Тошкент ш. Янгибўлоқ т. ТСРҲИ томонидан ва 11.11.2019 й.даги 2577509-сонли
реестр рақами билан Янақасой тумани ДМ томонидан қабул қилинган ўтказиш (ИФН 302349427) "АХМАО RAYON SERVICES" МЧЖ корхонаси билан
савдои Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил апрелидаги 18-433-сон қарори асосан ўз фаолиятини тугатди. Тел.: (90) 903-82-80.
"LASCAMO TRADE" МЧЖ (СТИР 206720234, манзил: Тошкент ш. Сергели т. Жанубий промзона, Дарё бўйи кўчаси 48-уй) "INTERSOK" МЧЖ
(СТИР 204979961, манзил: Тошкент ш. Беглар т. Олтипогтон кўчаси 18-уй)га қўйилган йўли билан қайта таъин этилишини маълум қилади.
Кредиторларнинг талаби 30 календарь кун мобайнида Тошкент ш. Сергели т. Жанубий промзона, Дарё бўйи кўчаси 48-уй манзилда қабул
қилинади. Тел.: (78) 120-37-43.
Тошкент ш. Юнусов т. 1-проезд А.Темур кўчаси 6-ўйда жойлашган Юнусов т. ТСРҲИ томонидан 24.09.2014 й.да 009458-10 реестр
рақами билан рўйхатдан ўтган "PLAZMA WORKS" ХК (СТИР 303056513) мулк эгасининг 2019 й. 25 ноябрдаги қарори билан тугатилди. Давласор
муддати эълон чол этилган санадан бошлаб 2 ой. Тел.: (90) 950-10-00.